



ГАНДБОЛ (IHF) - (нем. hand - қўл, ball - тўп), қўл тўпи — спорт ўйини. 19-аср охирида Европада пайдо бўлган. Даниялик Халъгер Нильсон ихтиро этган (1898). Гандбол учун катталиги 40×20 м ли майдон керак; оғирлиги 325—475 г, айланаси 54—58


см бўлган чарм тўп билан ўйналади. Майдоннинг икки томонида эни 3 м, бал. 2 м бўлган дарвозалар ўрнатилади. Ҳар бир жамоада 7 ёки 11 ўйинчи қатнашади.

Ўйинчи тўп билан фақат 3 қадам қўйиши ва уни қўлида 3 секундгача тутиб туриши мумкин. Ўйин 2 бўлимдан иборат бўлиб, эркаклар мусобақаси 1 соат, аёллар мусобақаси 50 минут давом этади.

Халқаро Гандбол федерациясига (IHF; 1946 йили асос солинган) 106 мамлакат аъзо. 1972 йилдан эркаклар, 1976 йилдан аёллар Гандболи Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. 1938 йилдан эркаклар ўртасида, 1956 йилдан аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги ўтказилади. Ўзбекистонда гандбол 1923—24 йилларда пайдо бўлиб, биринчи мусобақа 1926 йилда Тошкентда ўтказилган. 1991 йили Ўзбекистон Республикаси гандбол федерацияси тузилди. Республиканинг барча вилоятларида гандбол бўйича болалар спорт мактаблари, эркаклар, аёллар ва болалар жамоалари бор. 1991 йилдан Ўзбекистон чемпионати мунтазам ўтказилади. Ўзбекистон гандболчилари терма жамоаси (аёллар) Осиё чемпионатида 4-уринни эгаллади ва Германияда ўтказилган жаҳон биринчилиги мусобақаларида қатнашди (1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устозлари Ф.



Абдураҳмонов, В. Каплинский, хизмат кўрсатган спорт устаси, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпиони М. Васильев, халқаро миқёсдаги спорт устаси, жаҳон чемпиони С. Землянова, спорт усталари А. Абзалова, Ольга Абдулла ва бошқаларнинг гандбол ривожланишида катта ҳиссаси бор.


Размеры площадки



Тўпнинг ўлчами, яни айланаси ва вазни ҳар хил ёшдаги жамоалар учун қуийдагича бўлиши керак:

- 58-60 см ва 425-475 (ХГФ рақами 3) эркаклар ва ўсмиirlар (16 ёшдан юқори) жамоаси учун;
- 54-56 см ва 325-375 (ХГФ рақами 2) аёллар, қизлар (14 ёшдан юқори) ва ўсмиirlар (12 дан 16 ёшгача) жамоалари учун;
- 50-52 см ва 290-330 (ХГФ рақами 1) қизлар (8 дан 14 ёшгача) ва ўғил болалар (8 дан 12 ёшгача) жамоалари учун.





Тузувчи: Салимов.Ў.Ш.